

ТАДБИРКОРЛИКНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

Турсунова Нигора Улугбек қизи

University of Business and sciences ўқитувчиси

тел: +998 94 177 10 27

Аннотация: Ушбу мақолада мамлакатда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти, ушбу соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш зарурати, иқтисодиёт тармоқлари бўйича кичик бизнес субъектларининг асосий кўрсаткичлари таҳлил қилинади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг фаолият йўналишлари ва "Янги Ўзбекистон" стратегияси доирасида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга қаратилган асосий чора-тадбирлар атрофида кўриб чиқилади. Мақолада мазкур соҳадаги институционал ислохотлар ва амалий механизмлар таҳлили орқали миллий иқтисодиётда кичик бизнеснинг ўрни ва салоҳиятини кучайтириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилади.

Калит сўзлар: кичик ва ўрта бизнес, тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, янги Ўзбекистон стратегияси, давлат жамғармаси, иқтисодиёт тармоқлари, институционал ислохотлар, тадбиркорлик субъектлари, миллий иқтисодиёт.

I. Кириш

Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш масаласига давлат томонидан алоҳида эътибор қаратилаяпти. Чунки мазкур турдаги тадбиркорлик фаолиятлари нисбатан кичик миқдордаги сармоя билан амалга оширилиши ва тез фойда келтириши билан ажралиб туради. Бу эса, ривожланган давлатларда ўрта табақа шаклланиши ва барқарор иқтисодий муҳитни таъминлашда муҳим омил ҳисобланади. Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев тадбиркорлар билан очиқ мулоқотда сўзга чиқар экан, шундай таъкидлаган эди: «Биз Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида жуда муҳим ва ҳал қилувчи босқичга қадам қўяямиз. Бугунги кунда сизнинг фидокорона меҳнатингиз, янгича фикрлашингиз ва инновацион ёндашувларингиз ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Мен ишонаманки, сиз барча соҳалар вакиллари учун намуна бўла оласиз».

Ҳозирги босқичда иқтисодий хавфсизлик стратегиясини шакллантирувчи асосий устувор йўналишлардан бири — бу кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришдир. Бугунги кунда тадбиркорлик субъектлари иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан бири сифатида намоён бўлиб, у иқтисодий ўсиш суръатлари ва сифати, ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (шунингдек, ялпи ички маҳсулотнинг) таркиби ҳамда унинг тузилишини белгилаб берувчи муҳим омил ҳисобланади [1].

Кичик ва ўрта тадбиркорлик ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида фаол иштирок этади ҳамда унинг рақобатбардошлиги ва барқарорлигини таъминлайди. Бу эса, ўз навбатида, ҳудудий иқтисодий хавфсизликни таъминлашда ажралмас бўғин ҳисобланади [2]. Кичик ва ўрта тадбиркорлик

салоҳияти жуда катта бўлиб, унга таянилса, жамиятнинг барча эҳтиёжларини ҳар томонлама ва ўз вақтида қондириш имкони пайдо бўлади.

Кичик ва ўрта бизнес фақат иқтисодийётга эмас, балки ижтимоий соҳанинг ривожига ҳам салмоқли ҳисса қўша олади. У аҳоли ўртасида ўзини ўзи банд қилиш имкониятларини яратиб, янги иш ўринларини ташкил этиш орқали ижтимоий барқарорликни таъминлашга хизмат қилади [3]. Шу билан бирга, бозорни зарур товар ва хизматлар билан тўлдиришга қўмаклашиб, жамият учун ижтимоий аҳамиятга эга эҳтиёжларни қондиришга йўналтирилган иқтисодий фаолиятнинг самарали шакли сифатида намоён бўлади [4].

Ривожланган давлатларда кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 70 фоизгача етади. Шунинг учун ҳам, ривожланган мамлакатлар тажрибасидаги каби, кичик корхоналар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш муҳим аҳамият касб этади [5]. Миллий иқтисодийётни самарали ривожлантириш учун давлат томонидан кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига ёрдам кўрсатилиши зарур, чунки улар бозор иқтисодийётининг фаол иштирокчилари ҳисобланади. Бу ҳолат, аввало, шундан далолат берадики, катта компаниялардан фарқли ўларок, кичик ва ўрта бизнес ўз тараққиётини таъминлаш учун етарли ички ресурсларга эга эмас ва уларга ташқи кўмак зарур [6].

1-жадвал

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодийёт тармоқларидаги асосий кўрсаткичлари тўғрисида маълумот (фоиз ҳисобида)

Соҳалар	2018	2019	2020	2021	2022	2023	2024
ЯИМ умумий улиши	62.4	56.0	54.8	54.1	51.8	51.2	51.0
Саноат	37.4	25.8	27.9	27.4	26.0	25.9	25.7
Қурилиш	73.2	75.8	72.5	72.5	71.5	74.2	74.5
Бандлик	76.3	76.2	74.5	74.5	73.9	-	74.3
Експорт	27.2	27.0	20.5	20.0	29.6	30.1	30.5
Импорт	56.2	61.6	51.7	45.3	49.4	49.8	50.0

1- жадвалда Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), саноат, қурилиш, бандлик, экспорт ва импортдаги улуши 2018–2024 йиллар давомида фоизларда акс эттирилган. Ушбу кўрсаткичлар асосида қуйидаги муҳим тенденцияларни ажратиш мумкин:

1. Ялпи ички маҳсулотдаги (ЯИМ) улуши: 2018 йилда 62,4% бўлган кичик бизнес улуши 2024 йилга келиб 51,0%гача пасайган. Бу иқтисодийётда бошқа секторлар улушининг ошиши ёки кичик бизнес салоҳиятининг нисбатан секин ўсиши билан изоҳланиши мумкин.

2. Саноатдаги улуши: Кичик бизнеснинг саноатдаги улуши 2018 йилдаги 37,4%дан 2024 йилда 25,7%гача камайган. Бу ҳолат кичик корхоналар учун технологик ва молиявий ресурсларнинг йетишмовчилиги ёки йирик саноат корхоналарининг устунлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин.

3. Қурилишдаги улуши: Қурилиш соҳасида кичик бизнеснинг улуши доимий равишда юқори даражада сақланиб қолган. 2023 йилда 74,2% бўлган бу кўрсаткич 2024 йилда 74,5%га ошган. Бу кичик қурилиш компаниялари ва пудратчиларнинг фаоллиги билан изоҳланади.

4. Бандликдаги улуши: 2018 йилда 76,3%ни ташкил етган кичик бизнесдаги бандлик даражаси 2024 йилга келиб 74,3% атрофида сақланиб қолган. Бу соҳадаги барқарорлик иқтисодий фаолиятнинг асосий қисмини кичик тадбиркорлар томонидан таъминланаётганини кўрсатади.

5. Экспортдаги улуши: 2018–2020 йилларда паст бўлган (27,2% → 20,0%) экспортдаги улуш 2022–2024 йилларда сезиларли даражада ошган (29,6% → 30,5%). Бу кичик экспортёрлар сонининг ортиши ва экспорт салоҳиятининг яхшиланиши натижаси бўлиши мумкин.

6. Импортдаги улуши: Импортдаги улуш 2019 йилдаги енг юқори 61,6% дан 2024 йилда 50,0%гача пасайган. Бу ички ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотларнинг кўпайганини кўрсатиши мумкин.

Шундай қилиб, иқтисодиёт учун стратегик аҳамиятга эга бўлган йўналишларда кичик ва ўрта бизнесни давлат томонидан рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш йўллариини ўрганиш зарурати ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан долзарб ва муҳим илмий-амалий муаммолардан бири ҳисобланади [7].

II. Адабиётлар таҳлили.

Тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишнинг назарий асослари Ж. Г. Беннетт, М. Кастелс, А. Мак-Кошен, С.А. Коробов, А.Б. Лебедев, И.Р. Ракша, О.А. Соловьёва, М.В. Хачатурян каби тадқиқотчиларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган. Ушбу муаллифлар давлатнинг тадбиркорлик фаолиятига таъсир кўрсатиш тизимини шакллантиришга доир концептуал ёндашувларни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшганлар.

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини ташкил этиш масалалари Н.Д. Кондратьев, А. Смит, Ж.-Б. Сэй ва Й.А. Шумпетер каби йирик иқтисодчиларнинг илмий изланишларида алоҳида ўрин эгаллаган. Уларнинг ишлари тадбиркорликни иқтисодий тизимнинг асосий элементи сифатида таҳлил этишнинг методологик пойдеворини яратган бўлиб, инновациялар, рақобат, тадбиркорлик хавфи ва иқтисодий ривожланишнинг циклик хусусияти каби масалаларни қамраб олади.

МДХ мамлакатларида тадбиркорликни ривожлантириш, тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш масалалари В.И. Агасарова, А.О. Блинов, А.В. Виленский, А.З. Гусов, П.А. Егорушкин, Р.В. Ишутин, В.Д. Мамонтов, О.Б. Репкина, К.Ю. Решетов, А.М. Чернопятов каби муаллифларнинг илмий изланишларида ёритилган.

Тадбиркорликни рағбатлантиришнинг институционал жиҳатларига бағишланган тадқиқотлар Ж.Р. Коммонс, Р. Коуз, Д.С. Норт ҳамда Ю.Н. Александрин, К.Ж. Альжаханова, А.С. Васильев, А. Гайнетдинов, А.С. Махимов, А.С. Нурмаганбетов, С.С. Сейтжанов ва Ш.А. Тлеубергенова томонидан амалга оширилган.

Шу билан бирга, бугунги кунгача кичик ва ўрта бизнесни давлат томонидан рағбатлантиришнинг кўплаб жиҳатлари ечимини топмаган ҳолда қолмоқда. Бу эса ушбу мавзунини тадқиқот объекти сифатида танлашнинг асосий омилларидан бири бўлди.

III. Натижаларининг муҳокамаси.

Тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш – соғлом бозор иқтисодиётини барқарор сақлаш учун давлат томонидан амалга оширилиши шарт ва зарур бўлган стратегик йўналишлардан биридир. Чунки у фақат капитал ҳажмини ошириш билан чекланиб қолмасдан, балки рақобатбардош бозор муҳитини шакллантиришга ҳам хизмат қилади. Бундан ташқари, кичик ва ўрта бизнес жамият учун ижобий самара берувчи омил сифатида аҳоли фаровонлигини оширишга, ишсизлик даражасини пасайтиришга ва ижтимоий мувозанатни сақлашга сезиларли таъсир кўрсатади [8]. Бу жиҳатдан, тадбиркорлик фаолияти давлат манфаатларига ҳам тўғридан-тўғри хизмат қилади. Шу билан бирга, тадбиркорлик ўзи ҳам иқтисодий неъматларга бўлган бозор талабининг манбаи ҳисобланади, чунки у янги иш ўринларини яратиш орқали аҳолининг харид қобилиятини оширади ва ички бозорда талабни рағбатлантиради [9].

Тадбиркорликни ривожлантирувчи омиллар таъсир механизмига кўра қуйидаги асосий гуруҳларга бўлинади: ижтимоий-психологик, ташкилий-ҳуқуқий ва молиявий-иқтисодий омиллар. Ушбу уч тоифа омиллар ўзаро боғлиқ бўлиб, бир-бирига кучли таъсир кўрсатадиган тизимли хусусиятга эгадир. Давлат томонидан тадбиркорликни рағбатлантиришга қаратилган омиллар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ишлаб чиқариш соҳасини демонополизация қилиш;
- молиялаштириш ва кредит ресурслари билан таъминлаш;
- солиқ сиёсати ва солиқ имтиёзларини жорий этиш;
- давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш;
- давлат жамғармалари ва институтларини ташкил этиш;
- давлат томонидан эмас, балки нодавлат жамғармалар ва институционал тузилмаларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш (бу ерда давлат фақат ҳуқуқий-меъёрий регулятор эмас, балки тадбиркорлик фаолиятини фаол рағбатлантирувчи субъект сифатида намоён бўлади).

Шунингдек, нодавлат таъсир омиллари ҳам мавжуд бўлиб, улар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- корхона ва тадбиркорларнинг уюшмалари, кенгашлари ва жамоат бирлашмалари томонидан кўрсатиладиган амалий ёрдам;
- инвестиция жалб этиш имкониятлари;
- инвестицион муҳитнинг барқарорлиги;
- моддий-техник ресурсларга етарли даражада кириш имконияти;
- ишлаб чиқариш майдонлари ва жойларига эгалик қилиш жараёнининг шаффофлиги ва соддалиги;
- табиий ресурслар ва ер майдонларига киришдаги ташкилий-ҳуқуқий механизмлар;

- давлатнинг пул-кредит ва валюта сиёсати;
- корхоналар ўртасидаги ҳисоб-китобларни ташкил этиш тизими;
- миллий иқтисодиётнинг глобал иқтисодий тизимга интеграция даражаси;
- молия бозори ва молиявий инфратузилманинг ривожланиш ҳолати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 август куни тадбиркорлар билан ўтказган “очиқ мулоқоти” доирасида 12 мингдан ортиқ мурожаат орқали кўтарилган тизимли муаммоларни бартараф этиш, шунингдек, ушбу мулоқотда белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2022 йилдаги очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорга асосан тадбиркорлар билан очиқ мулоқотда белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” тасдиқланди. Мазкур йўл харитасида қуйидаги йўналишлар белгиланган:

- тадбиркорларни туркумларга ажратиш ва уларни манзилли қўллаб-қувватлаш тизимини йўлга қўйиш;
- тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш ва янги лойиҳаларни амалга ошириш учун қулай молиялаштириш механизмларини яратиш;
- тадбиркорлар учун етарли шароитлар, замонавий инфратузилма ва кафолатланган бозор муҳитини таъминлаш;
- мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш, мулкни бозорда фаол иқтисодий активга айлантиришга доир чора-тадбирларни амалга ошириш;
- тадбиркорлик фаолияти устидан назоратни эркинлаштириш ва жавобгарлик масалаларида адолатли ёндашувни таъминлаш;
- очиқ мулоқот чоғида илгари сурилган ташаббусларни амалга ошириш ва мулоқот натижаларини жамоатчилик орасида кенг тарғиб қилишни ташкил этиш.

IV. Хулосалар

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, давлат кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда бевосита манфаатдор ҳисобланади. Чунки кичик ва ўрта бизнес замонавий бозор иқтисодиётида муҳим ўрин тутди. У янгидан-янги иш ўринларини яратиш, соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, йирик бизнес кам фаолият юритадиган соҳаларда бўшлиқни тўлдириш орқали иқтисодий барқарорликка ҳисса қўшади. Ҳозирги кунда мамлакат ялпи ички маҳсулотининг чорагига яқини айнан кичик ва ўрта бизнес субъектлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Кичик ва ўрта бизнеснинг энг муҳим устунликларидан бири — уларнинг бозор шароитидаги ўзгаришларга тез ва моҳирона мослашиш қobiliяти, истеъмолчилар эҳтиёжини аниқ англаб, унга нисбатан инновацион ва самарали ечимлар таклиф эта олишидир. Улар маҳсулотни кичик ҳажмларда, қисқа муддатда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш тизимини содда ва фойдаланувчи учун қулай шаклда ташкил этиш имкониятига эгадирлар. Шу билан бирга, бу корхоналар паст эксплуатация харажатлари, оқилona бошқарув структураси, ноанъанавий ёндашувларни қўллаш ва янги ечимларни қидиришдаги фаоллиги

билан ажралиб туради. Уларнинг ташаббускорлиги ва тадбиркорлик қобилияти мамлакат иқтисодий тараққиётида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

V. Фойдаланилган адабиётлар

1. Агасарова В. И. Государственное регулирование предпринимательской деятельности в условиях цифровой экономики. – Москва: Юрайт, 2021.
2. Давлатов Ш. Ш. Тадбиркорликни давлат томонидан рағбатлантиришнинг институционал асослари. – Тошкент: Иқтисодий тараққиёт институти, 2020.
3. Ҳамидов Ш. А. Ўзбекистонда хусусий тадбиркорликни рағбатлантиришда солиқ сиёсатининг ўрни // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. – 2022.
4. Қобулов Н. М. Ўзбекистонда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда давлат сиёсати самарадорлигини ошириш йўналишлари. – Тошкент: Иқтисодиёт, 2021.
5. Маъруфов А. М. Кичик бизнесни ривожлантиришда молиявий механизмларнинг самарадорлиги // Тошкент молия институти илмий ишлар тўплами. – 2019.
6. North D. C. Institutions, Institutional Change and Economic Performance. – Cambridge: Cambridge University Press, 1990.
7. Padilla-Angulo L., Díaz-Pichardo R., Leal-Rodríguez A. L. Are different entrepreneurship-promotion activities equally effective? An analysis by academic year and gender // International Entrepreneurship and Management Journal. – 2023. – Vol. 19, No. 1. – P. 1–25.
8. Wei W., Duan J. How do entrepreneurial activities at different levels promote business growth: a review and research agenda // Chinese Management Studies. – 2024. – Vol. 18, No. 3. – P. 755–784.
9. Williamson O. E. The New Institutional Economics: Taking Stock, Looking Ahead // Journal of Economic Literature. – 2020. – Vol. 38, No. 3. – P. 595–613.